

4. Учтепа тумани хокимлиги хузуридаги **Штаб (Б.Мирзаев) икки кун муддатда:**

Учтепа туманининг **“Манзилли режа”**си ва **“Йўл харитаси”** асосида ишсиз ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича ҳар бир секторлар, идора, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан **2020 йилда** амалга ошириладиган ишлар юзасидан **“Тармок жадвал”** (сетевой график);

хокимлар, секторлар, Халқ қабулхоналари, тегишли ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ёшлар билан ҳар ойда **“Учрашувлар ташкил этиб бориш жадвали”** ишлаб чиқилсин.

5. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Камилов), Ёшлар иттифоқи Учтепа тумани Кенгаши (С.Жўраев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (З.Азимбаева) биргаликда:

аҳоли бандлик даражасини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш дастури доирасида ташкил этилган иш ўринларига ишсиз ёшларни жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;

ишсиз ёшларни муносиб иш топишларига кўмаклашиш мақсадида, ҳудудларда ёшлар учун ихтисослаштирилган бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш;

ишсиз ёшларни Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали бандлигини таъминлашда кўмаклашиш;

чекка ҳудудларда шахсий томоркани ривожлантириш учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва сугориш воситалари харид қилиш учун ишсиз ёшларга субсидиялар ажратиш чораларини кўрсинлар.

6. Учтепа тумани хокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов) тижорат банклари билан биргаликда 2020 йилда ишсиз ёшларнинг бандлик даражасини ошириш мақсадида **“Ёшлар келажагимиз”** ва **“Ҳар бир оила тадбиркор”** дастурлари доирасида имтиёзли кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

7. Ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалаларида тизимли иш ташкил этиш бўйича ҳудудларга бириктирилган **Ишчи гуруҳи**, тегишли бўлим, идора ва ташкилотлар раҳбарлари биргаликда **ҳар бир маҳалла кесимида:**

**икки кун муддатда** ишсиз ёшлар рўйхати секторлар кесимида шакллантирилган ҳолда, ишлаб чиқилган **“Манзилли режа”** ва **“Йўл харитаси”** Халқ депутатлари туман Кенгашлари йиғилишида тасдиқлансин;



№ 26/04 - I

20 20 yil " 6 " mart

**Учтепа туманида ёшларнинг бандлик даражасини ошириш  
борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа тумани 4 та сектор раҳбарларининг Учтепа туманида ёшларнинг бандлик даражасини ошириш борасида амалга ошириладиган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Учтепа туманида 2020 йилда ёшлар (18-30 ёш)нинг бандлик даражасини ошириш бўйича “Манзилли режа” 1-иловага;

Учтепа туманидаги тижорат банклари томонидаги 2020 йилда ёшлар (18-30 ёш)нинг бандлик даражасини ошириш бўйича ажратиладиган кредит маблағлари миқдори 2-иловага;

2020 йилда Учтепа туманида жойлашган бошқарма, идора ва ташкилотлар тизимига ишга жойлаштириладиган ёшлар (18-30 ёш) бўйича “Манзилли режа” 3-иловага;

Учтепа туманида 2020 йилда ёшлар (18-30 ёш)нинг бандлик даражасини ошириш бўйича “Йўл харитаси” 4-иловага;

ёшларнинг бандлик даражасини ошириш масалаларида тизимли иш ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳи таркиби 5-иловага;

Учтепа туманида ёшларнинг бандлик даражасини ошириш масалалари бўйича штаб таркиби 6-иловага;

ёшларнинг бандлик даражасини ошириш дастурини амалга ошириш схемаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Учтепа туманидаги Халқ қабулхонаси ҳузурида мониторинг Штаб фаолияти йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

тасдиқланган “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси” асосида **бир кун** муддатда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “**Тармоқ жадвал**” (сетевой график) ишлаб чиқилсин;

**икки кун** муддатда секторлар, Халқ қабулхоналари, тегишли ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ёшлар билан ҳар ойда “**Учрашувлар ташкил этиб бориш жадвали**” ишлаб чиқилсин.

8. Худудларда ташкил этилган Ишчи Штаблар, худудларга бириктирилган Ишчи гуруҳи аъзолари Халқ қабулхоналари мудирлари билан биргаликда:

маҳаллаларга чиқиб, “Тармоқ жадвал” ва “Учрашувлар ташкил этиб бориш жадвали” асосида ҳоким, секторлар, идора, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар **ҳар ой** мониторинг қилинсин, амалий кўмаклар берилсин;

**ҳар чорак якуни** билан туманда ташкил этилган амалий ишлар бўйича ҳокимлар, секторлар, идора, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини Халқ депутатлари худудий Кенгашларига тақдим этилиши таъминлансин.

9. Халқ депутатлари туман Кенгашлари худудларга бириктирилган Республика ва шаҳар ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида **ҳар ой** якунида йиғилиш ўтказиб, ҳокимлар, секторлар, тегишли ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳисоботи эшитилиб, муҳокама қилинсин.

10. **Учтепа тумани ҳокими ўринбосарлари**, худудларга бириктирилган **Ишчи гуруҳи** таркибидаги барча бўлим, идора, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси”нинг ижросини сўзсиз таъминланишига шахсан масъулликлари белгилаб қўйилсин.

11. **Учтепа тумани Штаби (Б.Мирзаев)** худудларга бириктирилган Ишчи гуруҳи раҳбари ва туман Халқ қабулхонаси мудирини билан биргаликда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни бажарилишида сустрешликка йўл қўйган, секторлар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига тегишли чоралар кўриш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигига таклифлар киритиб бориши инobatга олинсин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаш  
раиси



Ф.Абдуллаев



№ 27/04-0

2020 йил " 6 " Март

**Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 2020 йилнинг январь-февраль ойлари якуни бўйича амалга оширган ишлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПК-4227-сон "2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида"ги ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи А.Камиловнинг марказ томонидан 2020 йилнинг январь-февраль ойлари якуни бўйича амалга оширган ишлари тўғрисидаги хисоботлари маълумот учун қабул қилинсин;

2. Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази иш фаолиятини такомиллаштириш ва яхшилаш учун туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев, З.Азимбаева), тумандаги таълукли бўлим ва бошқармалар ва Халқ депутатлари Учтепа тумани доимий комиссиялари аъзолари билан ҳамкорлик ўрнатилиши кучайтирилсин;

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин;

4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаши  
раиси

Ф.Абдуллаев



№ 28/04-й

2020 йил 6 - март

**Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан олиб борилган  
ишлар тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман  
Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Учтепа тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиги  
Б.Мустапаевнинг Учтепа туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан  
олиб борилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа туман Ободонлаштириш бошқармаси, туман ҳокимининг  
ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев,  
З.Азимбаева), тумандаги тааллуқли бўлим, бошқармалар ва Халқ  
депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология  
масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари билан ҳамкорлик  
ўрнатилиши кучайтирилсин;

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа  
тумани Кенгашининг Коммунал хўжалик ва экология масалалари бўйича  
доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга қиради.

Халқ депутатлари  
Учтепа туман Кенгаш  
раиси

Ф.Абдуллаев